

Шижоат



07:00 / 21.01.2019 3775

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху бир кўчадан ўтиб қолди. Кўчада ўйнаб юрган болалар ҳазрати Умарни кўриб, тирқираб қочиб кетишди, лекин битта бола қочмай, жойида тураверди. Умар розияллоху анху: «Сен нега ўртоқларинг билан бирга қочмадинг?» деди. Бола: «Мен бирор айб иш қилмадим-ку, нимадан қўрқаман? Йўл ҳам тор эмас, бемалол сиғасиз», деди.

Бу бола Зубайр ибн Аввомнинг ўғли, Мадинага ҳижрат қилиб келган саҳобалардан биринчи бўлиб туғилган фарзанд Абдуллоҳ эди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан